

СОҲИБҚИРОН ҲИКМАТЛАРИ

Н.УСМОНОВ, ТАТУ Фарғона филиали доценти,
Р.ЎРМОНОВА, Фарғона ВХТХҚТМОИ ўқитувчиси.

Соҳибқирон Амир Темурнинг «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», «Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўламасинлар. Хотирдан чиқмасинким, тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди» сингари сўзлар кишини ирода соҳиби бўлишга чақиради, ўз олдига қатъий мақсад қўйиб, уни рўёбга чиқариш ниятида олдинга интилиш кутилган натижани қўлга киритишга олиб келишини таъкидлайди. Бу ўғитлар ҳозирги бозор муносабатлари шаклланаётган бир даврда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Адолат ва инсоф, дўсту душманни фарқлаш, золимлар додини бериб, мазлумлар ҳаққини ҳимоя қилиш Соҳибқирон ҳаётининг мазмунини ташкил этади десак, асло янглишмаймиз.

Адолатпарварлик ғояси унинг бир қатор ҳикматларида ўз мухтасар ифодасини топган. «Куч – адолатда» шиорига ҳамиша қатъий амал қилган бобомиз буни ўз сўзларида шундай баён этади: «Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим... Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга муофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим».

Муаррихларнинг яқдиллик билан тасдиқлашларича, Амир Темурнинг адолатпарварлиги, халқпарварлиги, айниқса, раият деб аталган оддий одамлар шаънини, ёрдамга ва ҳимояга муҳтож мискинларни, золимлар зулми остида эзилган мискинларни ўз ҳимояси остига олиши унинг энг олижаноб инсоний фазилатларидан бўлиб, адолатни бу қадар маҳкам тутиб туриш камдан-кам ҳукмдорга насиб этган.